

халқаро даражада ёш ижодкор синфларнинг хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганишини таъминлаш мақсадида креатив мобиллик дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Фикримизча, юқорида билдириб ўтилган таклифлар асосида мамлакатимиз амалиётида креатив иқтисодий рижлантириш бўйича юқори иқтисодий самарадорликка эришилиб, глобал креатив индустрия маҳсулотлари бозорида миллий брендни шакллантириш ва унинг ўрнини янада мустаҳкамлашга эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Креатив иқтисодий тўғрисида”ги ЎРҚ-970-сон Қонуни, 03.10.2024 й.
2. World Bank, 2023; Power, 2010; Giblin & Doctorow, 2022
3. European Commission (2021) — Creative Europe Programme 2021–2027.
4. UK Department for Digital, Culture, Media & Sport (DCMS) — Creative Industries Sector Vision (2023)
5. <https://president.uz/uz/lists/view/8935>

ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТДА КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Жиянова Наргиза Эсанбоена

ТДИУ «Молия ва молиявий технологиялар» кафедраси профессори,
и.ф.д.

Аннотация. Мақолада корхоналар молиявий ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Хусусан, молиявий ресурсларни шакллантириш, жойлаштириш ва улардан фойдаланиш жараёнларининг рационаллигини комплекс таҳлил қилишга қаратилган ёндашувлар асосланган. Бошқарув қарорларининг молиявий оқибатларини баҳолаш, молиявий ресурсларни жалб қилиш ва молиявий мажбуриятларни бажариш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларнинг иқтисодий мақбуллигини аниқлаш методик асослари ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлаш, капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва молиявий хавфларни камайтиришга хизмат қилувчи комплекс баҳолаш тизимини шакллантириш имконини беради. Таклиф этилган ёндашувлар замонавий иқтисодий шароитда корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш ва барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган.

Калит сўзлар: корхона молиявий ресурслари, корхона капитали, молиявий фаолият, cash-flow, хусусий капитал, қарз капитали, тақсимланмаган фойда, айланма маблағлар ва бошқалар.

Ҳозирги босқичда миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, рақобатбардош ишлаб чиқариш занжирларини шакллантириш ва инвестиция фаоллигини ошириш шароитида молияни самарали ташкил этиш ҳамда молиявий ресурсларнинг мақбул ҳаракатланишини таъминлаш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу жараён нафақат макроиқтисодий даражада, балки хўжалик юритувчи субъектлар даражасида ҳам ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлади. Чунки молия қиймат категорияси сифатида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларига таъсир кўрсатади ва ушбу таъсир, энг аввало, иқтисодиётнинг асосий бўғини ҳисобланган корхоналар фаолиятида аниқроқ намоён бўлади.

Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, “Ўзбекистон–2030” стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицияларни кўпайтириш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва кооперация алоқаларини кенгайтириш устувор аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, корхоналар молиявий фаолиятини ўрганиш ва унинг самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиёт барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатадиган муҳим илмий-амалий вазифалардан бири ҳисобланади.

Замонавий иқтисодий шароитларда молиявий ресурсларни бошқариш фақатгина улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Бунда ресурсларни шакллантириш ва жойлаштиришнинг мақбуллиги, молиявий мажбуриятларни бажариш жараёнидаги муносабатлар самарадорлиги ҳамда қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг молиявий оқибатларини комплекс таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, рақамли иқтисодиёт, глобал бозорлар интеграцияси ва ESG-тамойилларининг кенг жорий этилиши шароитида молиявий ресурсларни бошқариш сифат жиҳатидан янги ёндашувларни талаб этмоқда.

Шу муносабат билан молиявий ресурслар таҳлилининг асосий вазифаларини қуйидагича аниқлаш мақсадга мувофиқ:


1. Молиявий ресурсларни жалб қилиш динамикаси ва таркибининг иқтисодий асосланганлигини ҳамда уларни қайта тўлдириш интенсивлигини баҳолаш;

2. Молиявий ресурслардан фойдаланиш йўналишларининг мақбуллигини таҳлил қилиш;

3. Корхонанинг молиявий мажбуриятларини бажариш жараёнида молиявий муносабатлар самарадорлигини таъминловчи шарт-шароитларни аниқлаш ва баҳолаш.

Юқоридагиларни ҳисобга олганда, 2025–2026 йилларда миллий иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар, инвестицияларнинг кўпайиши, кластерлашув жараёнлари ва жаҳон иқтисодиётидаги рақамлаштириш, яшил иқтисодиёт ва глобал

рақобатнинг кучайиши шароитида корхоналар молиявий ресурсларини бошқариш методологиясини такомиллаштириш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим йўналиш ҳисобланади.



1-расм. Корхоналар молиявий ресурсларини жойлаштиришнинг рационаллигини ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш⁶

Тадқиқот натижаларига кўра, корхоналар молиявий ресурсларини бошқариш самарадорлигини оширишнинг қуйидаги концептуал йўналишлари тақлиф этилади.

1. Молиявий ресурсларнинг оптимал ҳажмини шакллантириш

Корхона ривожланиш стратегиясига мувофиқ равишда молиявий ресурсларнинг мақбул ҳажмини шакллантириш капитал самарадорлигини оширишнинг асосий шарти ҳисобланади. Амалий ҳисоб-китоблар шунини кўрсатадики, айланма маблағларни молиялаштиришда 50:50 нисбат (ўз маблағи ва қарз маблағи) корхонанинг молиявий барқарорлигини сақлаган ҳолда молиявий левередж таъсирини таъминлайди.

Жаҳон амалиётида ҳам (OECD, IMF таҳлиллари) корхоналар рентабеллигининг ўсиши қарз маблағлари фақат уларнинг қиймати капитал рентабеллигидан паст бўлгандагина таъминланиши исботланган. Шунинг учун қарз маблағлари жалб қилиниши инвестиция қайтимини ошириши шарт.

Бунда молиявий ресурслар таркибини шакллантириш муаммоларини таҳлили қуйидагиларни аниқлаши керак:

- қисқа муддатли кредитларга ортиқча қарамлик;
- қарз маблағларининг юқори қиймати;
- активлар ва пасивлар муддатларининг номуносивлиги;
- тўлов қобилиятини йўқотиш хавфи;

⁶ Ўрганилган маълумотлар асосида тайёрланган

- молиявий левередждан етарлича фойдаланмаслик;
- ортиқча консерватив молиявий сиёсат (йўқотилган фойда).

Бундан ташқари молиявий ресурслар манбаларининг нафақат ҳажми, балки сифати ҳам баҳоланиши лозим:

Манба	Оптималликни баҳолаш
Ўз маблағлари	барқарорликни таъминлайди, аммо қиймати юқори
Банк кредитлари	мослашувчанлик беради, лекин ликвидлик хавфини оширади
Облигациялар	кредитга нисбатан арзон, аммо узоқ муддатли мажбуриятларни юклайди
Лизинг	айланма маблағларга тушадиган босимни камайтиради
Давлат субсидиялари	молиявий барқарорликни оширади

2. Риск даражасида фойдани максималлаштириш

Корхона молиявий стратегиясининг мақсади — рискни оширмасдан капитал рентабеллигини ошириш. Бунга активларни айланиш тезлигини ошириш, молиявий левередждан оқилона фойдаланиш, солиқ ва амортизация сиёсати оптималлашуви, юқори маржинал йўналишларни танлаш орқали эришилади.

Жаҳон амалиётида ROE кўрсаткичи активлар айланиш тезлиги ва молиявий левередж комбинацияси орқали оширилиши тасдиқланган (DuPont модели).

3. Молиявий мувозанатни таъминлаш

Корхона ривожланишида молиявий барқарорлик капитал ва активларнинг оптимал тузилмаси, ўзини-ўзи молиялаштириш коэффициентининг юқори бўлиши, ликвидлик ва тўлов қобилиятининг доимий мониторинги орқали таъминланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, инвестицияларнинг камида 40–60% ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилган корхоналар банкротлик хавфига камроқ учрайди.

Юқорида таклиф этилган ёндашувлар корхоналар молиявий ресурсларини бошқаришни статик ҳисоб-китобдан динамик, интеграл ва риск-йўналтирилган бошқарув тизимига айлантиради. Бу эса инвестиция самарадорлигини оширади, молиявий барқарорликни таъминлайди, рақобатбардошликни кучайтиради, миллий иқтисодиётда қўшилган қиймат ўсишини рағбатлантиради. Шу жиҳатдан, замонавий иқтисодиёт шароитида корхоналар молиявий ресурсларини бошқариш методологиясини такомиллаштириш иқтисодий ўсишнинг муҳим институционал омили ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги Фармони.
2. Дягель, О. Ю. Аналитическое обеспечение управления финансовыми

ресурсами коммерческой организации : монография / О. Ю. Дягель. – Красноярск : Сиб. федер. ун-т, 2017. – 216 с.

3. Под общ. ред. Берзона Н. И. - Корпоративные финансы. Учебное пособие для академического бакалавриата - М.:Издательство Юрайт - 2019 - 212с.

4. Екимова, К.В. Финансы организаций (предприятий): Учебник / К.В. Екимова, Т.В. Шубина. - М.: НИЦ ИНФРА-М, 2017. - 375 с.

5. Жиянова Н.Э. Особенности управления капиталом в повышении коммерческой деятельности предприятий - Экономика и предпринимательство, 2018, 1(90)

6. Жиянова Н.Э., Таджибекова Д.Б. Пути совершенствования формирования и использования финансовых ресурсов субъектов бизнеса в современных условиях// SCIENCE AND EDUCATION, 2 (5), (2021г.) <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/1505>. Б.1060-1068.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ФИНАНСОВЫХ РЫНКОВ В РАМКАХ СТРАТЕГИИ «УЗБЕКИСТАН-2030» НА ОСНОВЕ ПРИНЦИПОВ ESG

**Сидикназарова Мухлиса,
Рахимова Дилшода**

*Ташкентский государственный экономический университет
студенты*

Развитие финансовых рынков играет важную роль в обеспечении экономического роста и стабильности Узбекистана. В рамках Стратегия «Узбекистан-2030» приоритетом является модернизация финансовой системы, развитие фондового рынка и внедрение принципов устойчивого финансирования (ESG). Внедрение ESG-принципов повышает прозрачность работы финансовых институтов и напрямую влияет на доверие инвесторов, а также укрепляет конкурентоспособность экономики. Без стандартов, прозрачности и контроля качества растут риски снижения инвестиционной привлекательности, удорожания капитала и усиления финансовых рисков в условиях конкуренции за международные инвестиции⁷.

Актуальность темы связана с ростом глобальной конкуренции за инвестиции и повышением требований к прозрачности и устойчивости финансовых институтов.

Однако, несмотря на проводимые реформы, сохраняются проблемы. Во-первых, низкая ликвидность и ограниченная капитализация фондового рынка: рыночная капитализация на конец 2025 года составляет около 275 трлн сум, при этом свободно обращаются лишь 4 трлн сум, или около 20 % ВВП, тогда как в развитых странах этот показатель превышает 80–

⁷ Указ Президента Республики Узбекистан от 11.09.2023 № УП-158 «О Стратегии “Узбекистан – 2030”». (<https://lex.uz/doc-passport/6600404>).